

Сирли пулларни ўзлаштирган воситачи



14:01 / 05.06.2022 3758

Мафия етакчиларидан бири қўл остида ишлайдиган бухгалтерининг ўғрилигини, у йиллар давомида ўзи фаолият юритаётган фирма пулларидан ўмараётганини, ўғирланган пуллар ўн миллион долларга етганини билиб қолди. Бухгалтер эса кар ва соқов эди. Раҳбарнинг уни ҳисобчиликка тайилашининг сабаби ҳам кар, соқовлиги эди. Чунки ҳеч нарсани гапира олмайдиган ҳисобчи ҳеч нарсани эшита олмайди ҳам. Бу эса бухгалтерни суд залига гувоҳликка чақирилганда раҳбар учун қўл келадиган ҳолат эди. Кунлардан бир куни раҳбар ўзига маълум бўлган ўғирликни ҳисобчига айтиб пулларни ундирмоқчи бўлди ва сурдо таржимон ёллади. Кейин унга: «Бухгалтердан сўра, ўғирланган ўн миллион доллар қаерда?», деди.

Бу борада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларга (нафл) намоз, (нафл) рўза, ва (нафл) садақанинг даражасидан ҳам афзал амални айтайми?» дедилар.

Саҳобалар: «Ҳа», дейишди.

У зот: «Орани ислоҳ қилиш», дедилар. Зеро, бу амал хусумат ортидан келиб чиқиши мумкин бўлган турли кўнгилсизликларнинг олдини олади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қуёш чиқадиган ҳар бир кунда инсонларнинг бўғимлари учун садақа бор. Икки киши ўртасида адолатли бўлмоғинг садақадир. Кишига улови борасида ёрдам бериш, минишига кўмаклашиш ёки юкини кўтариб олиб беришинг садақадир. Яхши сўз садақадир. Намоз сари босилган ҳар бир қадамнинг садақадир. Йўлдан озор берадиган нарсани олиб ташлашинг садақадир».**

Имом Бухорий ривояти.

Манба: «Ҳар куни сизни қизиқтирадиган маълумот» саҳифасидан

Арабчадан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади